O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

N 22 (255) • 2010 йил 31 май

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

# ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 26-27 май кунлари Андижон ва Фарғона вилоятларида бўлди.***

Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлашиб, замонавий корхоналар, кенг ва равон йўллар, таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари ва стадионлар, боғ ва хиёбонлар бунёд этилаётир.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 11 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда ҳам барқарор ўсиш таъминланди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ, вилоятдаги экспорт қилувчи корхоналарнинг қўллаб-қувватланаётгани уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Натижада 2010 йилнинг биринчи чорагида вилоятда экспорт ҳажми 59,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Президентимиз Андижон вилоятига сафарини ҳарбий қисмларнинг биридан бошлади. Юртбошимиз ҳарбийларнинг яшаш шароити билан қизиқди. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ҳар доим долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Кейинги йилларда Андижон вилоятида ҳам сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси изчил ривожланиб бораётир. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида, қишлоқларда савдо мажмуалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари сони тобора ортмоқда. Ўтган йили вилоят туманларида саккизта замонавий савдо мажмуалари ишга туширилди.

Хўжаобод туманида бунёд этилган савдо мажмуаси ўзининг кўркам қиёфаси, сервис ва хизмат кўрсатиш шароитининг юқорилиги билан Андижондаги энг гавжум масканлардан бирига айланди.

Замонавий талаблар асосида бунёд этилган йигирмадан зиёд савдо дўкони, минибанк ва дорихонани ўз ичига олган мажмуада сотувчи ва харидорлар учун барча шароитлар яратилган.

Юртбошимиз Олтинкўл туманидаги «Иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган замонавий уйларни кўздан кечирди. Бу уйларга кўчиб кирган хонадон соҳиблари билан суҳбатлашди.

Баркамол авлод йилида Андижон вилоятида намунавий лойиҳа асосида 620 та турар жой барпо этилади.

Юртбошимиз Андижон шаҳрининг Шўрбулоқ даҳасида бунёд этилган, халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуасини бориб кўрди. Бу ерда ёшларнинг машғулотлар ўтказиши, дам олиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Андижон вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли Болалар шаҳарчасини 16 та замонавий уй-жой, сузиш ҳавзаси, бокс ва гимнастика заллари, стадионни ўз ичига олган спорт мажмуаси, ёзги амфитеатр ва мусиқа залига эга ҳақиқий шаҳарча дейиш мумкин. Ушбу масканда 112 нафар бола тарбияланмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур шаҳарчада бўлиб, болалар билан суҳбатлашди. Уларнинг ўқиши, келажакдаги режалари билан қизиқди. Яшаш шароитини кўздан кечирди. Ислом Каримов Болалар шаҳарчасига Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган автобус совға қилди. Болажонларнинг барчасига турли ўйинчоқлар туҳфа этилди.

Президентимиз «Универсиада – 2010» мусобақаларининг очилиш ва ёпилиш маросимлари бўлиб ўтадиган «Соғлом авлод» стадионидаги тайёргарлик ишлари билан танишди.

* * *

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижроси доирасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Фарғона вилоятида ҳам ўз самарасини бермоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 10,1 фоиз ўсди.

Вилоятда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инвестиция жалб этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш тадбирлари изчил олиб борилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш борасида ҳам изчил тадбирлар амалга оширилди. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 34 корхонада 40 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини оширишга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар туфайли яратилаётган иш ўринларининг асосий қисми қишлоқ жойларга тўғри келмоқда.

Президентимиз Фарғона вилоятига сафарини Фарғона туманидаги Миндонобод қишлоғидан бошлади. Давлатимиз раҳбари бу ерда намунавий лойиҳалар асосида қуриб битказилган икки қаватли 20 уй-жойни кўздан кечирди. Бундай уй-жойлар меъморий ечими, лойиҳалаш жараёнида табиий иқлим шароити ҳисобга олингани, шу қаторда муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда қад ростлаётгани ғоят аҳамиятли эканини таъкидлади.

Президентимиз вилоятдаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлди. Ҳарбийларнинг жанговар тайёргарлиги, уларнинг ва оила аъзоларининг яшаш шароити билан қизиқди.

Фарғона шаҳрининг бош режаси билан танишар экан, давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳани янада такомиллаштириш, хусусан, замонавий шаҳарсозлик анъаналарига, ландшафт дизайнига қатъий амал қилиш, меъморий тарҳи бири иккинчисини такрорламайдиган, айни пайтда уйғун бинолар қуриш лозимлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда барча соҳаларда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида элу юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлаш, халқимиз, хусусан, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада юксалтириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу ниятлар мужассам. Фарғона вилоятида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳам бу фикрни яққол исботлаб турибди.

***ЎзА материаллари асосида тайёрланди.***

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



# СЎЛИМ БОҒДА КИЧКИНТОЙЛАР БАЙРАМИ

***«Ҳар бир фарзандга – меҳр, эътибор!» ҳафталиги доирасида пойтахтимиздаги «Тошкентленд» истироҳат боғида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари учун байрам тадбири ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Sen Yolg»iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган тадбирга Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидан қарийб 1400 ўғил-қиз таклиф этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади ёшларнинг пухта таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз иқтидори ва қизиқиши бўйича касб-ҳунар эгаллашидек эзгу мақсадларга йўналтирилган. Бу борада ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, ота-она меҳридан бебаҳра болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида.

– Бизнинг шаҳарчамизда 77 нафар ўғил-қиз тарбияланади, – дейди Гулистондаги Болалар шаҳарчаси раҳбари Покиза Аҳмаджонова. – Ёшларга билим ва тарбия беришда уларни миллий фазилатларимиз, анъана ва урф-одатларимиз руҳида, маънан ва жисмонан соғлом инсонлар этиб камолга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун шаҳарчамизда бадиий ижодиёт, спорт тўгараклари, спорт-соғломлаштириш мажмуаси, ахборот-ресурс маркази кичкинтойлар ихтиёрида. «Ҳар бир фарзандга – меҳр, эътибор!» ҳафталиги тадбирлари доирасида болалар Ватанимиз пойтахтида истиқлол йилларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, муаззам майдонлар, маданий-маърифий масканлар билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди. Шу куни боғдаги барча аттракционлар болаларга бепул хизмат кўрсатди.

***ЎзА.***

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

***Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.***

## ФАРМАЦЕВТЛАР ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ ЛИЦЕНЗИЯЛАНАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 майдаги «Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 91-сон қарори билан Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом тасдиқланди.** Унга мувофиқ лицензияланадиган фармацевтика фаолияти фаолиятнинг қуйидаги турларини ўз ичига олади: дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана ва улгуржи сотиш, уларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек доривор ўсимликлар, ҳайвонот ва минерал асосга эга бўлган хом ашёни етиштириш, йиғиш, тайёрлаш, қадоқлаш ва улгуржи сотиш.

Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, уларни чакана ва улгуржи сотиш,

2-бетда

УШБУ СОНДА

1-бет
Жойлардаги ислоҳотлар одими

1-3-бетлар
Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ

4-бет
Низолар судда ҳал этилади

5-6-бетлар
Ҳакамлик судлари рўйхати билан танишинг

$1 = 1578,87 сўм | € 1 = 2106,21 сўм | £1 = 2418,67 сўм | ¥10 = 175,08 сўм

# ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

**Қонун *(«СБХ»нинг 2010 йил 27 майдаги 22 (826)-сонида чоп этилган)* билан «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунга *(1996 йил 29 августдаги 265-I-сон)* ўзгартишлар киритилган** *бўлиб, уларга мувофиқ жисмоний шахсларнинг хусусий тиббиёт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи истисно этилади. Тегишли лицензиялари мавжуд бўлган тақдирда уларнинг хусусий фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи сақланиб қолган.*

**Қонун 2010 йил 20 майдаги «Халқ сўзи» газетасида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.**

## АГАР ХИЗМАТ ВАҚТИДА ҲАЛОК БЎЛСА

**2010 йил 20 майдаги ЎРҚ-247-сон Қонун билан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга *(1993 йил 3 сентябрдаги 938-XII-сон)* ҳамда Солиқ кодексига киритилган ўзгартишларга мувофиқ,** вафоти хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналарига ва янги никоҳдан ўтмаган бева хотинларига (бева эрларига) ҳам ЭКИҲнинг 30 фоизи миқдорида пенсияга устама тақдим этилади.

Солиқ кодексига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, улар жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ солинадиган даромадлардан ҳар ойда ЭКИҲнинг 4 бараварига тенг суммани чиқариб ташлаш кўринишидаги *(Кодекс 180-моддасининг иккинчи қисми)* ҳамда мол-мулк солиғини *(мулкдорнинг танлаши бўйича мол-мулкнинг бир объектига)* тўлашдан озод этиш кўринишидаги *(Кодекс 275-моддасининг биринчи қисми)* имтиёзлар тақдим этилган жисмоний шахслар қаторига киритилган. Мазкур имтиёзлар "Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)" штампи қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар кўрсатиб ўтилган шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга ички ишлар органи ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Бева хотинларга (бева эрларга) имтиёз фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади.

**Қонун 2010 йил 1 июлдан кучга киради, 2010 йил 21 майдаги «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган.**

## ФАҚАТ СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ТЕКШИРАДИ

**Президентнинг 2010 йил 20 майдаги ПФ-4219-сон Фармони билан Президентнинг "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида" Фармонига *(1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сон) («СБХ»нинг 2010 йил 27 майдаги 22 (826)-сонида чоп этилган)* ўзгартишлар киритилди.** Чунончи, бозорлар, савдо комплексларини, уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларини, шунингдек уларнинг ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини текшириш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатлар доирасида фақат давлат солиқ хизмати органларига берилади. Уларга шунингдек бир марталик йиғимлар, ижара тўловларининг тушуми тўлиқлиги ва ҳисобга олиниши, назорат-касса машиналаридан, ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланилиши юзасидан бозорларда, савдо комплексларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида қисқа муддатли текширишларни ўтказиш ваколати берилган.

## ЭНЕРГИЯ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 майдаги 92-сон қарори билан ҳукуматнинг баъзи қарорларига «Электр энергетикаси тўғрисида» Қонунга *(2009 йил 30 сентябрдаги ЎРҚ-225-сон)* мувофиқлаштирувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.**

Ўзгартишларга мувофиқ қуйидаги тушунчалар аниқлаштирилган: Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисидаги низомда *(Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 мартдаги 124-сон қарори билан тасдиқланган)* – ўзбошимчалик билан улаш ҳолатини аниқлаш мақсадида энергия таъминоти ташкилоти тармоғи; Вазирлар Маҳкамасининг қарорида *(2003 йил 28 октябрдаги 469-сон)* - ягона электр энергетикаси тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишга лицензия олишга даъвогарлар.

Ўзгартишлар билан Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларида *(Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сон қарори билан тасдиқланган)* ҳудудий электр тармоқлари корхонаси электр энергиясига амалдаги тарифлар ўзгарганлиги ҳақидаги қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиши керак бўлган муддат уларнинг кучга киришидан камида **15 кун** олдин этиб белгиланди *(илгари ушбу муддат 10 кунни ташкил қилган)*. Истеъмолчилар ҳуқуқларининг рўйхати ўз электр қурилмаларини техник шартларга мувофиқ ҳудудий электр тармоқларига улаш, электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплаш ва бошқа ҳуқуқлар билан тўлдирилди.

**Қарор билан бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам киритилган.**

## ДАРСНИНГ БАҲОСИ

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори *(АВ томонидан 2010 йил 17 майда 2103-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тасдиқланди.**

**2010 йил 27 майдан кучга кирди.**

## ИМТИЁЗЛАР МУДДАТИ ТУГАДИ

Президентнинг 2006 йил 19 декабрдаги "Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3831-сон Фармонида назарда тутилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати тугаганлиги сабабли **Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2010 йил 17 майда 1664-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Тижорат банкларининг акцияларини харид қилиш ва улар бўйича дивидендлар олишда солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом *(рўйхат рақами 1664, 2007 йил 20 март)* ўз кучини йўқотган деб топилди.**

**2010 йил 27 майдан кучга кирди.**

## ПЛАСТИК КАРТОЧКА УЧУН ҲИСОБВАРАҚ

**Марказий банк бошқарувининг қарори** *(АВ томонидан 2010 йил 17 майда 773-28-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* **билан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига** *(рўйхат рақами 773-17, 2004 йил 13 август)* **ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.** Мазкур режа пластик карточкалар билан операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган янги ҳисобварақлар ва уларнинг тавсифлари билан тўлдирилди. Баъзи ҳисобварақлар янги таҳрирда келтирилган.

**2010 йил 27 майдан кучга кирди.**

## БАНКЛАР УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ ЎЗГАРДИ

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2010 йил 20 майда 949-6-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга** *(рўйхат рақами 949, 2000 йил 25 июль)* **киритилган ўзгартишларга мувофиқ,** амал қилаётган банклар устав капиталининг миқдори 2010 йил охиригача: тижорат банклари учун – 10 млн еврога тенг суммадан; хусусий банклар учун – 5 млн еврога тенг суммадан кам бўлмаслиги керак.

**2010 йил 30 майдан кучга кирди.**

## ЙЎРИҚНОМАДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Президентнинг "Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Фармонига *(2010 йил 5 майдаги ПФ-4216-сон)* **мувофиқ адлия вазирининг буйруғи** *(АВ томонидан 2010 йил 20 майда 2090-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* **билан Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага** *(рўйхат рақами 2090, 2010 йил 30 март)* **ўзгартишлар киритилди.**

**2010 йил 1 июндан кучга киради.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 1 майдан 21 майгача бўлган давр учун "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"нинг 18-19, 20-сонлари асосида тайёрланди.***

Баркамол авлод – мамлакат келажаги



***Ўзбекистон Республикаси Президенти баркамол авлод ҳақида гапирар экан, «юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз» имкониятларига юқори баҳо бердилар. Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши, уларнинг ўз мутахассисликлари бўйича муносиб ишлар билан таъминланиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Тошкент молия институти магистранти Одилбек Исмайилов ҳам бухгалтерия ва аудиторлик соҳасида ўз иқтидорини тўлиқ намоён эта олаётган ёшлардан. У 2003 йилдан таълимни амалиёт билан бирга қўшиб олиб боради – олийгоҳда ўқиш баробарида бухгалтер бўлиб ишлаган. О.Исмайиловнинг соҳадаги иқтидорини эса бир қатор халқаро ва маҳаллий ташкилотлар ўз диплом ва сертификатлари билан эътироф этганлар, хусусан у ЮСАИД ва Ўзбекистон Молия вазирлиги, республика Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг дипломи, САР бухгалтер-амалиётчи сертификати, «Молиявий ҳисоб-1» дастури бўйича тренер сертификатларига эга. Айни вақтда у магистратурани тугаллаш билан бирга «Osiyo-Audit» аудиторлик компаниясида аудитор бўлиб ишлаб келмоқда.***

# ХАРАЖАТЛАРНИ БОШҚАРИШ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНИШ САРИ

Бозор иқтисодиёти шароитида харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннархи – илмий асосланган бошқарув қарорларини тадқиқ этиш ва қабул қилишда муҳим ахборот базаси бўлиб ҳисобланади. Харажатларни тезкор бошқариш учун уларнинг ҳисобини харажат элементлари ва моддалари бўйича ҳисоб объектлари кесимида аниқ олиб бориш ва маҳсулот таннархини тезкор аниқлаш, уни бозор баҳолари билан солиштириш ва молиявий натижаларни қисқа вақт оралиғида аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иқтисодиётимизга салбий таъсири олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан асослаб берилган Инқирозга қарши чоралар дастурида қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш йўллари ва чоралари белгиланган[1].

Харажатларни тезкор бошқариш учун уларнинг ҳисобини харажат элементлари ва моддалари бўйича ҳисоб объектлари кесимида аниқ олиб бориш ва маҳсулот таннархини тезкор аниқлаш, уни бозор баҳолари билан солиштириш ва молиявий натижаларни қисқа вақт оралиғида аниқлаш муҳимдир.

Шуни қайд қилиш лозимки, бухгалтерия ахборот тизимининг натижасида ҳисоботлар қуйидаги гуруҳлар учун тузилади:

1) бухгалтерия ахборотидан ташқи фойдаланувчилар учун;

2) даврий режалаштириш ва назорат мақсадлари учун;

3) ностандарт вазиятлар вужудга келганда муқобил қарорлар қабул қилиш ва корхона сиёсатини танлаш учун.

Ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисобини юритиш учун бошқарув ҳисоби элементларидан фойдаланишда молиявий ва бошқарув ҳисобларининг ўзаро таъсирини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бошқарув ва молиявий ҳисоб ўртасида умумий жиҳатлар кўп бўлиб, уларнинг иккаласи ҳам корхона ҳисоб тизими ахборотларидан фойдаланади. Корхона ҳисоб тизимининг бўлимларидан бири **харажатлар** ва **даромадлар ҳисоби** бўлиб, у молиявий ҳисобда ҳам, бошқарув ҳисобида ҳам қўлланилади. Бундан ташқари, иккала ҳисобнинг ахборотлари муқобил бош-қарув қарорларини қабул қилишда фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисобининг аниқ амалий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– хўжалик фаолиятида таваккалчилик кўп учрайдиган жойларни аниқлаш;

– хўжаликда баҳо сиёсатини аниқлаш;

– ассортимент сиёсатини шакллантириш ва маҳсулотларнинг даромадсиз турларини аниқлаш;

– қўшимча харажатлар самарадорлигини баҳолаш ва капитал қўйилмаларнинг мувофиқлиги.

Ушбу вазифалар бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборотларни шакллантириш ва таҳлил қилиш доирасини қамраб ололмайди. Ишчиларни рағбатлантириш шартлари ҳисобга олинмайди, буларсиз эса корхона жавобгарлик марказлари бўйича самарали ҳисоб тизимини туза олмайди, уларнинг фаолиятини назорат қилолмайди ва баҳолай ҳам олмайди, ўз вақтида меъёрлардан оғишишларни аниқлолмайди. Ушбу мақсадларда ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисоби вазифаларини қуйидагича тўлдириш мумкин:

– самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланувчилар учун зарур ахборотларнинг «кириши» ва «чиқиши»ни талқин қилиш;

– ишчиларнинг меҳнатини рағбатлантириш шароитларини яратиш;

– натижаларни назорат қилиш ва баҳолаш.

Хулоса қилиб айтганда, бухгалтерия ҳисоби бўйича олинган ахборот олий сифатли, самарадор, ҳам ички, ҳам ташқи фойдаланувчилар талабини қондирадиган бўлиши лозим. Бу шуни англатадики, бухгалтерия ахбороти кўрсаткичларнинг энг кам миқдоридан иборат бўлиши, аммо бошқарув иерархияси турли даражаларида ундан фойдаланувчиларнинг энг кўп миқдори талабларини қондириши лозим. Тақдим этиладиган ахборот зарур, муҳим ва мақсадга мувофиқ бўлиши, ортиқча кўрсаткичларни истисно этиши керак. Бундан ташқари, бухгалтерия ахбороти энг кам миқдорда меҳнат ва вақт сарф қилган ҳолда шакллантирилиши лозим.

***Одилбек ИСМАЙИЛОВ,***
***Тошкент молия институти магистранти,***
***«Osiyo-Audit» аудиторлик компанияси аудитори.***

[1] *Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 33-34 б.*

Нуқтаи назар

# ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО АРБИТРАЖ

***Халқаро хўжалик алоқалари кенгайиб, турли давлатларнинг тадбиркорлари ўртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганлиги халқаро тижорат арбитражи институтини жорий этишни янада долзарб масалага айлантирмоқда. Турли давлатлар компаниялари шартнома ва битимлар тузар эканлар, одатда, суд тартибида тортишишдан кўра арбитраж йўли билан муҳокама этишни маъқул деб биладилар. Ўз навбатида, тарафларнинг муросага келиб, ярашиши арбитражга мурожаат этгандан кўра яхшироқ, низонинг олдини олиш эса иш ярашувгача етиб боришидан афзалроқ саналади. Лекин низоларнинг ҳамиша ҳам олдини олиш мумкин, ўртадаги келишмовчилик музокаралар йўли билан ҳамиша ҳам бартараф этиш мумкин деб бўлмайди. Шу сабабли битимларнинг ҳуқуқий таъминоти учун келиб чиқиш эҳтимоли бўлган келишмовчиликлар холисона ва омилкорлик билан ҳал этилишини кафолатловчи шароит яратиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.***



Ишлаб чиқариш борасидаги ҳамкорлик, кооперация, илмий-текшириш ва лойиҳа-конструкторлик ишларини биргаликда ўтказиш, лицензия муносабатлари сингари тарафлар ўртасида узоқ давом этадиган муносабатлар асносида низоларнинг халқаро арбитраж судловига тегишлилигини белгилаш бағоят муҳимдир. Тарафлар томонидан арбитраж судларига оширилаётган низолар замиридаги муносабатлар доираси кенгайиб бормоқда. Уларни кўриб чиқиш тартибининг аниқ ва пухта белгиланиши, шу йўл билан тарафлар мажбуриятларини бажариши борасида муайян кафолатларни вужудга келтириш мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ўзаро фойдали асосда ривожлантиришга ёрдам бериши керак.

Халқаро тижорат арбитражи деганда тарафлар ўзлари ўртасидаги низони ҳал этиш учун сайлаган суд тушунилади. Суднинг таркибини ҳам тарафларнинг ўзлари белгилайдилар. Умумий судлардан фарқли равишда арбитражга мурожаат этиш тарафларнинг келишуви асосида амалга оширилади. Мамлакатимиз ва хорижий компаниялар ўртасида тузилаётган битимларнинг аксариятида низоларни ҳал этишнинг айни арбитраж тартиби назарда тутилмоқда. Савдо компаниялари учун тижорат арбитражи баъзи афзалликларга ҳам эга. Бу афзаллик энг аввало ишларни кўриб чиқиш муддати одатий судларга нисбатан унча узоқ давом этмаслигида ва нисбатан арзонга тушишида, шунингдек арбитражнинг қарорлари устидан шикоят берилмаслигида кўринади. Буларнинг ҳаммаси, агар Ғарб мамлакатларида процессни юритиш харажатлари, шу жумладан адвокатларга сарфланадиган харажат одатда анча катта эканлиги инобатга олинса, жуда-жуда муҳимдир. Ўз соҳасидаги етакчи мутахассислар орасидан сайланадиган арбитрларнинг билимдонлиги ва уқуви ҳам арбитражнинг катта афзаллиги саналади.

Турли давлатлар компаниялари ўртасида савдо муносабатлари ҳамда бошқа иқтисодий муносабатлар соҳасида келиб чиқадиган низоларни кўрадиган халқаро тижорат арбитражини арбитраж трибуналларидан фарқлай билиш керак. Бундай трибуналлар халқаро ҳуқуқ субъектлари сифатида давлатлар ўртасидаги низоларни кўриб чиқиши мумкин. Шу билан бирга тижорат арбитражини давлат хўжалик судлари тизимидан ҳам фарқламоқ зарур.

Чет эл ташкилотлари ва фирмалари билан боғлиқ низолар кўриб чиқилаётганда одатда халқаро тижорат арбитражи тушунчаси қўлланилади. Бундай арбитраж ташқи иқтисодий низоларни давлат судлари томонидан ҳал этишда муқобил саналади. Мазкур механизмнинг муқобиллик хусусияти шундаки, муайян низога нисбатан унинг мавжудлиги тарафларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Бинобарин, давлат йўли билан бу хусусда қарор чиқаришга ҳожат йўқ. Халқаро тижорат арбитражи тарафлар уларнинг ўртасида келиб чиққан низоларни ёки келгусида келиб чиқиши эҳтимоли бўлган низоларни кўриб чиқиш учун ана шу арбитражга бериш ҳақида келишув тузган тақдирдагина ишни кўриб чиқади. Ҳал этиш учун ишни мазкур арбитражга оширишда тарафларнинг ўртада келиб чиққан ёки келиб чиқиш эҳтимоли бўлган низолар арбитраж томонидан кўриб чиқилиши учун унга ошириш хусусида арбитраж келишуви деган нарса талаб этилади. Бундай қоида шартномага, айтайлик, товарларнинг олди-сотди битимига киритилиши мумкин.

Арбитраж келишувининг ўзига хос хусусияти шундаки, у тарафлар учун

Суд ҳукм чиқаради...

# СОЛИШТИРИШ ДАЛОЛАТНОМАСИНИ ИМЗОЛАШ – ҚАРЗНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ДЕМАК

## ИШНИНГ МОҲИЯТИ

***Хусусий фирма ОАЖга улар ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатди ва тўлаш учун ҳисобварақ-фактура тақдим этди. ОАЖ уни тўламади. Шунда фирма жамиятга эътироз юборди, у жавобсиз қолдирилди. Шу муносабат билан у хўжалик судига жамиятдан асосий қарзни, ўз вақтида ҳақ тўламаганлиги учун жарима ва тўловни кечиктирганлиги учун пеня ундириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилди.***

***Биринчи инстанция суди даъво талабларини қисман қондирди. Апелляция тартибида унинг қарори устидан шикоят қилинмади. Бунга қўшилмаган ОАЖ кассация шикояти билан Олий хўжалик судига мурожаат қилди.***

## ХУСУСИЙ ФИРМАНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

ОАЖ буюртманомаси бўйича фирма меҳмонхона туридаги ётоқхонада ОАЖ таклиф этган чет эллик фуқароларнинг яшаши учун хоналар тақдим қилди ва уларни рўйхатдан ўтказди. Бироқ жамият кўрсатилган хизматларга ҳақ тўламади. Шу сабабли ундан 1 млн сўм асосий қарз, ўз вақтида ҳақ тўламаганлиги учун қарз суммасининг 15 фоизи миқдорида жарима ва тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,4 фоиз пеня ундирилиши керак.

## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Даъвогар жавобгарга дахли бўлмаган айрим фуқароларнинг меҳмонхонада яшаганлиги учун ҳақ ундириш тўғрисида асоссиз талаб қўйган. Бинобарин, ОАЖ уларни тўлаши ва хусусий фирмага ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган суммани ўтказиши керак эмас.

## СУДНИНГ ҚАРОРИ

Суд ҳайъати иш материалларини ўрганиб, тарафларнинг фикрини тинглаб, қуйидагиларни аниқлади:

тарафлар ўртасида пулли хизматлар кўрсатиш шартномаси тузилган;

даъвогар ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарган, бунга жавобгарнинг муҳри ҳамда унинг раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланган ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси далил бўла олади;

даъвогар жавобгарга талабнома тақдим этган, бунга жавоб олмаган;

жавобгар судга меҳмонхонада яшаганлик учун ҳақ тўлаш тўловномасига ОАЖ штатида бўлмаган чет шахсларнинг киритилганлигини исботлаш учун ходимларга иш ҳақи бериш бўйича қайдномаларни тақдим этган.

Кассация ҳайъати амалдаги қонун ҳужжатларининг қоидаларини таҳлил қилиб, шуларни белгилади:

Фуқаролик кодекси *(ФК)*нинг 703-моддасига кўра хусусий фирма ОАЖ топшириғига кўра унга хизматлар кўрсатиши, ОАЖ эса уларнинг ҳақини тўлаши керак эди;

ФКнинг 234-моддасига мувофиқ ОАЖнинг унга кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш бўйича мажбурияти низо тарафлари ўртасида тузилган шартномадан юзага келган;

ФКнинг 705-моддасига асосан ОАЖ кўрсатилган хизматларга шартномада қайд этилган муддатлар ва тартибда ҳақ тўлаши шарт;

ФКнинг 236-моддасига кўра мажбуриятлар шартнома шартлари ва қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ лозим тарзда бажарилиши керак;

даъвогар томонидан даъво аризаси берилганида «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» Қонун *(1998 йил 29 августдаги 670-I-сон)* 32-моддасининг меъёрлари тўғри қўлланган;

Олий хўжалик суди Пленумининг «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» қарори *(2007 йил 15 июндаги 163-сон, бундан кейин – ОХС Пленумининг 163-сон қарори)* 3-бандига кўра хусусий фирма ОАЖдан фақат жарима тўлашни талаб қилишга ҳақли эди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб суд ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартиришсиз қолдирди.

## ШАРҲ

*Юқорида келтирилган низода хизматлар кўрсатилганлиги далили субъектларнинг ўз қарзларини келишилган миқдорда тан олганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан иборат бўлган ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириб чиқиш далолатномаси билан тасдиқланган (Хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрилигини текшириш тартибининг* 8-банди). Ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириб чиқиш далолатномасини имзолаш қарздорнинг унда кўрсатилган қарз суммасини эътироф этишини билдиради ва иш бўйича ёзма исбот ҳисобланади (Хўжалик процессуал кодекси (ХПК) 62-моддасининг биринчи қисми).*

*Қарздор унга шартномага кўра кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлашдан бўйин товлаган тақдирда кредитор ундан неустойка тўлашни талаб қилишга ҳақли (ФК 260-моддасининг биринчи қисми), у* ***пеня ёки жарима шаклида*** *бўлиши мумкин (ФК 261-моддасининг биринчи қисми).*

*ОХС Пленуми 163-сон қарорининг 1-бандида белгиланишича, мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик чораларини қўллаш ҳақидаги низоларни ҳал қилишда хўжалик судлари Фуқаролик кодекси билан биргаликда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ҳам (бундан кейин – 670-I-сон Қонун) қатъий амал қилишлари лозим. Унинг 32-моддасида:*

*буюртмачининг кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлашдан бош тортганлиги учун – асосий қарзнинг 15 фоизи миқдорида жарима;*

*кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун – ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня назарда тутилган.*

*Агар шартномада айнан битта мажбуриятнинг бузилиши учун неустойкани ҳам жарима, ҳам пеня кўринишида тўлаш назарда тутилган бўлса, қонунчиликда бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, кредитор фақатгина бир шаклдаги неустойка қўллашни талаб қилишга ҳақли (ОХС Пленуми 163-сон қарорининг 3-банди). Жавобгарга нисбатан бир вақтда иккала шаклдаги неустойкани қўллаб бўлмайди.*

*Агар шартнома шартларида низони судгача ҳал этиш (талаб билдириш) тартибига риоя этиш назарда тутилган бўлса, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилган хўжалик юритувчи субъект ҳуқуқбузарга талабнома билдиришга ҳақли. Ҳуқуқбузар бир ой ичида унга жавоб тақдим этиши шарт (670-I-сон Қонун 17-моддасининг биринчи қисми, 18-моддасининг биринчи қисми). Хўжалик юритувчи субъект рад (қисман рад) жавобини олган ёки талабномага белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда, хўжалик судига даъво аризаси бериши мумкин (670-I-сон Қонуннинг 19-моддаси).*

*Низони кўрсатилган судгача ҳал этиш тартибига риоя этилмаганда, низоларнинг мазкур тоифаси учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, хўжалик суди ХПК 88-моддасининг 5-бандига асосан даъвони кўрмасдан қолдириш ҳуқуқига эгадир.*

***Суд амалиёти «Norma» МЧЖ эксперт юридик бўлими томонидан таҳлил қилинди.***

**Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 августдаги «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрилигини текшириш тўғрисида» 332-сон қарорига 1-илова.*

Реклама

NORMA

Эксперт маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

# ИСТИҚБОЛЛАРИ

мажбурий ҳисобланади ва улар низони арбитражга оширишдан бўйин товлай олмайдилар. Оддий суд, одатда, арбитраж келишувини бекор қилишга ҳам, арбитраж қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳам ҳақли эмас. Бу қоида турли давлатларнинг қонун ҳужжатлари ва суд амалиётида ўз эътирофини топган. Айтайлик, Америка фирмаси билан Ўзбекистон корхонаси контракт тузиб, унда жумладан, умумий судлар судловига тегишлиларидан бўлак барча низолар арбитраж тартибида кўриб чиқилиши лозимлигини назарда тутишлари мумкин ва бу шарт тарафлар учун мажбурийлик хусусиятига эга бўлади.

БМТ раҳнамолиги остида ишлаб чиқилган, арбитраж масалаларига доир асосий кўп тарафлама конвенцияларда, хусусан Чет эл арбитраж қарорларини эътироф этиш ва ижрога киритиш тўғрисидаги 1958 йилги Нью-Йорк конвенцияси* ва Ташқи савдо арбитражи тўғрисидаги 1961 йилги Европа конвенциясида** арбитраж келишуви деганда ёзма шартномага илова ҳам, тарафлар томонидан имзоланган алоҳида ҳужжат ҳам ёки ўзаро алмашинилган хатлар, телеграммалар ва шу сингарилардаги келишув ҳам тушунилади. Мазкур конвенциялар арбитраж келишувининг ҳақиқийлигини белгилаш мақсадида қонундан қатъи назар асосий контрактга нисбатан қўлланиладиган махсус коллизион қоидаларни белгилайди.

Халқаро тижорат арбитражи соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларимизни ривожлантириш ҳамда контракт тарафларига арбитраж муҳокамаси тартиб-таомилларини танлашда турли усулларни таъминлаш учун БМТ Халқаро савдо ҳуқуқи комиссияси томонидан 1985 йилда қабул қилинган Халқаро арбитраж тўғрисидаги ЮНСИТРАЛ намунавий қонуни*** муҳим аҳамиятга эга. Шу қонун асосида Канада, Австралия, Нигерия, Кипр, Латвия ва бошқа мамлакатларда миллий ҳужжатлари қабул қилинди. Бизда ҳам шунга ўхшаш қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Халқаро амалиётдан халқаро тижорат арбитражининг иккита тури, яъни алоҳида ва доимий ишлайдиган тижорат арбитражи маълум. Ad hoc деб аталувчи *(сўзма-сўз айтилса, бунинг учун деган маънони англатади)* арбитраж муайян низони кўриб чиқиш учун тарафлар томонидан тузилади. Судни ташкил этиш тартибини ҳам, унда ишни кўриш қоидаларини ҳам тарафларнинг ўзлари белгилайди. Иш юзасидан қарор қабул қилинганидан кейин бу суд ўз фаолиятини тугатади.

